




ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 220 (9866) • 1990 йил 17 ноябрь • Баҳоси 5 тийин.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ
ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Аскар оналари кўмитаси таклифларини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида

Аскар оналари кўмитасининг, бошқа жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ССЖИ Кўролли Кулида қонунийликнинг, ССЖИ фуқаролари ҳарбий хизматини ўташ пайтида уларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги масалалари ҳусусидаги, шунингдек тинч вақтда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчиларнинг ҳалок ҳамда майиб бўлаётганлиги фактлари ҳусусидаги мурожаатномаси муносабати билан қарор қиламан:

1. Тинч вақтда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчиларнинг ҳалокати ва майиб бўлиши сабабларини текширишнинг ҳолисона ва тўлиқлигини тафтиш қилувчи махсус комиссия тузилсин.

Ўртоқ Ю. Х. Калмиков комиссия раиси этиб тайинлансин.

Комиссия таркибига ССЖИ ва иттифоқдош жумҳуриятларнинг халқ депутатлари, ССЖИ Иттифоқи прокуратурасининг, ССЖИ Адлия вазирлигининг, аскар оналари кўмитасининг, ССЖИ адвокатлар уюшмасининг, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари билан шуғулланувчи бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилсин.

Ўртоқ Ю. Х. Калмиков комиссиянинг шахсий таркибининг уч кун муддат ичида ССЖИ

Президентига тасдиқ учун тақдим этсин.

Давлат идоралари ва ташкилотларининг раҳбарлари комиссиянинг сўровларига биноан зарур материалларни унга ўз вақтида юбориб турсин.

Комиссия ишининг натижалари ҳақида ССЖИ Президентига 1991 йилнинг 1 январига-ча маълумот берилсин.

ССЖИ Президенти аппаратининг ишлар бошқармаси ва ССЖИ Вазирлар Кенгашининг ишлар бошқармаси комиссиясининг ишлаши учун зарур шартнолар (бино, алоқа воситалари, транспорт ва шу кабилар)ни яратиб қўйсинлар. Комиссия ССЖИ Президенти аппаратининг ишлар бошқармаси маблағи ҳисобидан пул билан таъминлансин.

2. ССЖИ Олий Кенгашига ҳарбий ислохот тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш чоғида аскар оналари комитетининг таклифларини кўриб чиқиш тавсия қилинсин.

3. ССЖИ Вазирлар Кенгаши: Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчилар тинч вақтда ҳарбий хизматини ўташ чоғида ҳалок бўлиши билан боғлиқ бўлган моддий зарар эвазига оилаларга тоvon тўлаш тўғрисидаги масалаларни бир ой муддатда кўриб чиқсин;

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг муштазам таътиллари системасини

жорий этиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқсин.

4. ССЖИ атом энергетикаси саноати вазирлигидан, ССЖИ алоқа вазирлигидан, Россия шарқидаги қурилиш бош бошқармасидан ва ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги махсус қурилиш бош бошқармасидан ташқари фуқаро вазирликлари ва идораларида халқ ҳўжалиги объектлари қурилишида ишлаб турган ҳарбий-қурилиш отрядлари (қисмлари) 1992 йилда тугатилсин.

Шу муносабат билан ССЖИ фуқароларини мазкур ҳарбий қурилиш отрядлари (қисмлари)га ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақирини 1991 йилнинг кузидан бошлаб тўхтатилсин.

Ҳарбий-қурилиш отрядлари (қисмлари) тугатилгандан кейин бўшаб қолган ҳарбий хизматчилар билан ҳарбий қурувчилар ССЖИ мудофаа вазирлигининг ҳарбий-қурилиш отрядлари (қисмлари)ни бутлаш учун юборилсин.

ССЖИ Вазирлар Кенгаши ССЖИ атом энергетикаси саноати вазирлигидан, ССЖИ алоқа вазирлигидан, Россия шарқидаги қурилиш бош бошқармасидан ва ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги махсус қурилиш бош бошқармасида ишлаб турган ҳарбий-қурилиш отрядлари (қисмлари)ни тугатиш тартиби ва аниқ муддатларини 1991 йилнинг биринчи чорагада тасдиқласин.

5. ССЖИ Олий Кенгашининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари, мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари, ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳамда ошкоралик ва граждaнларнинг ҳуқуқлари, шикоят ва аризалари масалалари комитетларига манфаатдор идоралар билан

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президентининг Фармони

«Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилмасини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖнинг Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ Қонунига биноан Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тасдиқлансин.

Ўртоқ Исмоил Ҳақимович Жўрабеков Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари — деҳқончилик — саноат комплексининг раҳбари этиб:

Ўртоқ Ўнгам Қўчқорович Исмоилов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — халқ истеъмол моллари, савдо ва маиший хизмат комплексининг раҳбари этиб:

Ўртоқ Пўлат Нўъмонов Ўзбекистон ССЖ Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — қурилиш, транспорт ва алоқа комплекси раҳбари этиб:

Ўртоқ Раҳим Ражабов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — машинасозлик комплекси раҳбари этиб:

Ўртоқ Эркин Самандаров Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг раҳбари этиб:

Ўртоқ Қайим Жалилович Ҳақдулов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ёқилга саноати, энергетика, кимё, металлургия комплексининг раҳбари этиб:

Ўртоқ Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — умулқиётсий комплекс раҳбари этиб:


Ўртоқ Тоҳир Яҳёевич Шарипов Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ресурслар, моддий-техника таъминоти ва битимлар комплексининг раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 15 ноябрь.

• Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги •



РАҚАМЛАР ХИКОЯ ҚИЛАДИ

● Тошкент Давлат дорилфунунда ҳозирги кунда 21 мингдан кўпроқ талаба таҳсил кўрмоқда. Шулардан кундузги бўлимда 10034, кечки бўлимда 5430 ва сиртқи бўлимда 5600 талаба бор.

● Дорилфунунда икки мингдан кўпроқ ўқитувчи ва илмий ходим бор. Уларнинг 98 нафари фан доктори, профессорлар, 14 нафари академик ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзолари, 27 нафар олми 3-жа даражасидаги хизмат кўрсатган фан арбобидир.

● Дорилфунун чет мамлакатлардаги 16 та университет билан доимий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

тўлди. Бу ҳақдаги материалларни рўзномамизнинг 4—5-бетларида ўқйсиз.

Суратларда: дорилфунун асосий биносининг

ДЕКРЕТ СОВЕТА НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ ОБ УЧРЕЖДЕНИИ ТУРКЕСТАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

Совет Народных Комиссаров ПОСТАНОВИЛ:

1. Учредить в гор. Ташкенте Государственный Университет.
2. Туркестанский Государственный Университет находится в неопределённом ведении Народного Комиссариата по Просвещению Р. С. Ф. С. Р.
3. Средства на содержание Университета — по сметам того же Комиссариата.

Председатель Совета
Народных Комиссаров

Управляющий делами
Совета Народных
Комиссаров

Секретарь:

кўриниши; В. И. Ленин имзо чеккан декрет.

Суратчи Д. АХМАД.

Жумҳуриятимизнинг энг тўнгич анжонаси — В. И. Ленин номида Тошкент Давлат дорилфунунининг таъсис этилганига етмиш йил

Аскар оналари кўмитаси таклифларини амалга ошириш тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда).

Биргаликда муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга ҳамда ҳарбий усталарнинг талабларига риоя этилиши учун командирларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш таклиф этилсин.

ССЖИ Олий Кенгашининг ҳуқуқ-тартибот ва жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитети ҳарбий қисмларда дастлабки тергов ўтказилиши устидан прокурорлик назоратининг аҳоли тўғрисидаги масалани кўриб чиқсин.

6. ССЖИ адлия вазирлиги ССЖИ мудофаа вазирлиги билан келишиб, тинч вақтда ҳарбий хизматини ўташ даврида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қурувчиларнинг ўлими тўғрисидаги гувоҳномаларни расмийлаштириш тартибига ўзгариш киритсинлар. Шу пайтгача берилган ҳужжатлар 1991 йилнинг 1 мартигача қайтадан расмийлаштирилсин.

7. ССЖИ Иттифоқи прокурораси қочқонлик тўғрисидаги ҳамда ҳарбий хизматдан бўйин

товлаш билан боғлиқ бўлган бошқа жиноятлар ҳақидаги фуқаролардан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари камситилганлиги ҳусусида ариза тушган ишларни 1991 йил 1 январигача назорат тарзида кўриб чиқсин.

8. ССЖИ мудофаа вазирлиги, ССЖИ ички ишлар вазирлиги ва ССЖИ давлат ҳавфсизлиги комитети 1990 йил ноябрда кичик ва ўрта командирларнинг Бутуниттифоқ кенгашини ўтказиб, унда усталарга хилоф муносабатларнинг ва бошқа тарзда ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш масалаларини муҳокама қилсинлар.

ССЖИ Иттифоқи прокуратураси ССЖИ Қуролли Кучларида қонунларнинг ижро этилиши ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳақиқий ҳарбий хизматини ўташ вақтида уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратини кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни кўрсин.

Совет Социалистик
Жумҳуриятлари Иттифоқи
Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 15 ноябрь.

14 ноябрь кuni Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисида жумҳуриятда аҳоли озиқ-овқат билан таъминлаш, қиш шароитида ишлашга тайёргарлик, маҳсулот етказиб бериш юзасидан мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги ва 1991 йил учун шартномалар тузиш билан боғлиқ ишларнинг аҳоли муҳокама қилинди.

Мажлисида иқтисодиётда мураккаб вазият вужудга келганлигига қарамай, вилоят партия кўмиталари вилоятларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳоли ва таъминотларини, кузги-қишги даврда нормал ишлашга тайёргарликни етарли даражада таҳлил этмай, шартнома интизомини сақлашда, қорхоналар ва минтақалар ўртасида таркиб топган хўжалик алоқаларини сақлаб қолишда меҳнат жамоаларига зарур амалий ёрдам бераётганликлари хавотирлик билан таъкидлаб ўтилди. Қорхоналар ва минтақалар ўртасида вужудга келган хўжалик алоқалари иқтисодиётини барқарорлаштириш 1991 йилда ҳар бир меҳнат жамоаси барқарор ишлаши учун мустаҳкам замин яратишнинг зарур шартидир.

Марказий Кўмита бюроси қабул қилган қарорда партия комитетларига вазиятни барқарорлаштириш учун қатъий чоралар кўришни тавсия этди. Бугунги кунда партия ташкилотларининг,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси Бюросида

барча даражалардаги раҳбар коммунистларнинг асосий куч-гайрати энг аввало аҳоли озиқ-овқат билан барқарор таъминлашга, халқ ҳужалиги комплексининг қиш шароитида нормал ишлашини йўлга қўйишга, бозорга ўтиш юзасидан биринчи галдаги тадбирларни амалга оширишга, шунингдек меҳнат натижалари, шартнома мажбуриятлари бажарилиши, ишлаб чиқариш интизими мустаҳкамлашни учун уларнинг масъулиятини кучайтиришга сарфланиши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг аъзоларига, вилоят, шаҳар, район партия кўмиталарига ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда тегишли тармоқларнинг бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш, жойларда бу вазифаларни рўбга чиқаришда бевосита қатнашиш, жумҳурият коммунистларининг рўй бераётган воқеалар ва ўзгаришларни тўғри тушунишни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Марказий Кўмита Бюроси Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ва Марказий Кўмита II пленумининг топиширигига биноан тайёргарлик Ўзбекистон Компартиясининг «Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий

янгилаш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароити учун» ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қилди. Бюро тақдир этилган лойиҳани асосан маъқуллаб, тайёргарлик комиссиясига бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, уни узил-кесил ишлаб чиқиш ва жумҳурият матбуотида эълон қилиш вазифасини топширди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси комиссиялари ва бўлимларига вилоят, шаҳар ва район партия кўмиталари, партия омавий ахборот воситалари билан биргаликда ҳаракат дастури лойиҳасини жумҳурият партия ташкилотларида кенг муҳокама қилишни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Марказий Кўмита бюроси Янгібод шаҳар партия кўмитасини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Марказий Кўмита бўлимларига зарур ташкилий масалаларни ҳал этишда Ангрен ва Янгібод шаҳар партия кўмиталарига амалий ёрдам бериш вазифаси топширилди. Мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг жумҳуриятда миллатлараро муносабатларни янада барқарорлаштиришга оид тадбирлари ҳам тасдиқланди.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИНИНГ ИЛ-76 САМОЛЕТИ ЭКИПАЖИ АЪЗОЛАРИНИ
«ШАХСИЙ МАРДЛИК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» ОРДЕНЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мураккаб авария вазиятида мардлик, юксак касб маҳорати ва омилкорлик кўрсатганлиги учун қуйидагилар
МУКОФОТЛАНДИН:
«Шахсий мардлик кўрсатганлиги

учун» ордени билан.
Александр Афанасьевич ГОРДОВЕ —
авиация техниги.
Александр Леонтьевич ГРАЧКОВ —
экипаж штурмани.
Валерий Серафимович ГРЕСЬКО —

қўшма авиаотряд командирининг ўринбосари.
Александр Кириллович КАСАТКИН —
кема командир.
Виктор Михайлович ЛЮТАРЕВИЧ —
борт радисти.

Миркомол Акбарович МИРХАНДА-
РОВ — борт оператори.
Игорь Александрович ПИРОГОВ —
авиация техниги.
Анатолий Зиновьевич ФОМЕНКО —
иккинчи учувчи.
Сергей Борисович ЦУПРИКА — катта борт оператори.
Владимир Ильич ЧЕРЕМНИХ — борт инженери.
Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти
М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 15 ноябрь.

Унвон муборак



Ҳамма вақт ҳам инсон орзуси ўйлаганича амалга ошармас экан. Ўқитувчилар оиласида воғна етган Назира Аҳмедовага ота-она касби дархол насиб этмади. Ўрта мактабдаёқ комсомол ишида фаоллик кўрсатиб танилган ёш қизчани ўнчинчи синфни битириши билан Ўш вилоятининг Жалолобод шаҳри комсомол кўмитасига иккинчи котиба қилиб сайланди. У бу лавозимда тоблагач, 1965 йилда Фарғона педагогика институтининг тарих куллийетида имтиҳон топширди. Назира талабалик йилларида ҳам жамоат топшириқларини ўз вақтида ҳалол бажариши билан тенгдошлари ўртасида эътибор топди. Институтни тугатгач, ўтюрма ёш мутахассиси Фарғона шаҳар комсомол кўмитасига ишга таклиф этилди. Бу ерда у иккинчи котиба сифатида фаолият кўрсатди. 1971 йилда эса Тошкентдаги олий партия мактабига ўқишга кирди.

КПСС XXVIII съезда делегати, Октябрь ноҳиясидаги Ҳасанхон Исломов номи 41-ўрта мактаб директори Назира Аҳмедова Аҳмедова кеча пойтахтимизда очилган жумҳурият ўқитувчилари анжуманида иштирок этмоқда.

У яқинда хизматлари жумҳуриятимиз Президентини Фармони билан муносиб тақдирланган неча ўнлаб педагогларнинг биридир. Қуйидаги ҳикоя билимдон ўқитувчи, моҳир ташкилотчи, жонқуяр раҳбар Назира Аҳмедова ҳақида.

Танқид тақозоси кишилар ҳаётини ўз маромига солган ҳолатлар кўп бўлади. Ўш вилоятининг Қорасув ноҳиясида тутилган, болалиги сўлим Жалолобод шаҳрида ўтган, Фарғона вилоятида комсомол ишларида чиниққан Назира Аҳмедованинг фаолияти кейинчалик Тошкент билан боғланди. Бу ерда у аввал Октябрь ноҳиясидаги 85-ўрта мактабда директор ўринбосари бўлиб, сўнгра 45-ўрта мактабда ишлади. Ана шу ўқув даргоҳининг кнефасини тамомилан ўзгартиришда жонқуяр раҳбарнинг ҳиссаси катта бўлди. Мактаб биноси у пайтда жуда ночор аҳволда эди. Қишда синфлар кўмир ёқи-

ладиган печка ёрдамида икитилар, баъзи ҳолларда ўқитувчилар палъотларини емай дарс ўтишар эди, умуман ҳеч қандай қулайлик яратилмаганди.

Эндилликда мактаб таниб бўлмас даражада ўзгарган. У мустаҳкам моддий базага эга. Марказий тармоқдан истифодадан бўлди, ошхона, буфет фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳаммаси Н. Аҳмедованинг ишни билиб ташкил этиши, елиб югуриши туфайли амалга ошди.

Орадан йиллар ўтиб Н. Аҳмедова ноҳиядаги 41-ўрта мактабга директор қилиб тайинланди. У раҳбарларнинг «яна бир, оғир участкани ўнглаб берасиз» деган сўзларини ҳаёлидан ўтказиб, астойдил ишга киришди. Чиндан ҳам бу жой оғир

участка эди. Мактабга эски шаҳар бозори яқин бўлиб, унинг атрофидаги хонадонларда жуда кўпчиликнинг тирикчилиги бозор билан боғлиқ эди. Бу ишдан болалар ҳам ҳоли эмаслар. Нима қилиш керак. Директор биринчи ишни мактаб отаоналар комитети билан ҳамкорликдан бошлади. Тарбиявий жарафани йўлга қўйиш

асосида мактаб учун асосий бино қуришнинг ҳам ортидан қолмади. Бино қурилди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кўз ўнгига бўлди. Н. Аҳмедова иш бошлаган пайтда мактабда 1200 нафар ўқувчи ўқётган бўлса, ҳозир бу мактабда 2500 нафар ўқувчи билим олмоқда. Бу ерда барча синфлар, шу жумладан 23 та рус тилида ўқитиладиган синфлар учун ҳам энг қулай шароитлар яратиб берилган.

Директор 200 нафар ўқитувчи кўмағида рўбга чиқарган асосий ишлардан яна бири болаларни эстетик тарбиясига эътиборини кучайтириш бўлди. Ҳозир жумҳуриятимизга машҳур бўлиб кетган «Болалар» ансамблига шу мактабда асос солинди. «Зангори экран»да жарангдор овозлари билан то-

мошабинларни хушнуд этадиган «Биргаликда қўйлаш» хор коллективини, «Бой-чечак» ансамблининг кўпгина қатнашчилари ҳам ана шу мактаб ўқувчиларидир.

Педагоглар даврасида бўлганимизда улар директорнинг мактабда Ҳасанхон Исломов номи берилишидаги хизматларини, унинг педагогика синфларини ташкил этишдаги жонқуярлигини, мактабнинг 65 йиллик тўйини ўтказишдаги ташкилотчилигини алоҳида таъкидлашди. Кейинги йилларда мактаб жамоаси 18 та олий ўқув юрти ва бир ҳунартехника билим юрти билан ҳамкорлик ўрнатди. Бу алоқа дастлабки самараларни берди. Ўқувчилардан анчагинаси ўзлари қизиққан институтларга қабул қилинди.

Элга астойдил хизмат қилган инсон эътибор топиши мударрар. Бунини Назира Аҳмедова мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У ноҳия партия кўмитаси бюросининг аъзоси, жумҳурият касабаси уюшмалари федерациясининг аъзоси, ноҳия хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари, болаларга маддад фонди ноҳия комиссиясининг раиси сифатида ҳам ўз бурчини ҳалол ўтаб, ҳурмат қозонмоқда. Яқинда жумҳуриятимиз Президентини Фармони билан Назира Аҳмедовага «Ўзбекистон ССЖИ» да хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони берилди.

С. ҲАСАНОВ.

Социал масалалар бўлимида

ОШКОРАЛИК даврига келиб ҳамма нарса ўз номи билан айтылаётди. Озроқ кечиниб бўлса-да, фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини, жамият олдидagi ҳақиқий бурчларини англаб етмоқдалар. Шу боис бугунги кунда кичик ташкилотдан тортиб катта ҳўжаликларда ҳам қизгин, мунозарали тортишувлар кетаяпти. Ҳамма маъжуд муаммоларни тезроқ бартараф бўлишини, кунимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлишини хоҳлайди. Аммо неча йиллардан бери тўпланиб қолган бу муаммоларни бирдан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун эса ҳамма бир ёқадан бош чиқариб куралиши зарур.

Ҳўш, шундай долзарб вақтда ноҳиямиздаги савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш тармоқларида аҳвол қандай? Бу соҳа ходимлари фуқароларга қандай хизмат кўрсатишяпти? Уларнинг хизматидан меҳнаткашлар хурсандми?

...Ноҳия колхоз бозори ҳар доим-гидек одамлар билан гавжум. Биров олади, биров сотади. Ҳамманинг ўз ташвиши бор. Эрта тонгдан бозорга келганлар эса кабобпазларнинг олдидан саф тортиб навбат кутиб туришибди. Кабобпазларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кўпроқ «план»ни ўйласа керак, оддий тозалikka, устаридаги бирда бор, бирда йўқ халатларининг тозаликига ҳам эътибор беришмаган. Шу даражада кирки, ранги қанақалигини ажрата олмайдик. Сихлар яхши тозаланмагандан уларнинг учидан гўшларни ёпишиб қолган.

Кабобпазлар учун бозор — бу ҳудо берган кун. билганини қилишди. Эскилардан қолган бир гал бор: «халқ бир муштдан урса ўлдирди, бир бурдадан берса тўйдирди». Бугун уларнинг тўйдиган кунлари. Энг муҳими — бу кун ҳеч ким сикланган кабобларнинг вази билан қизиқмайди. Айтган донасини лиқолчага қўйиб устига филдиракдек тўралган пивзани ташлаб, сиркани селиб берсангиз ҳисоб. Уёги сизнинг ишингиз эмас. Пул тўлаган у. Айланб ҳам, ўргилиб ҳам еввереди. Кабобпазга эътироз айтиб бўлмайди. Нақ балога қоласиз, оёгини тўлдириб:

— Бекорга тутун ютиб ўтирибманми! — дейди ўшқириб.

Ноҳия умумий овқатланиш идорасига қарашли қишки ошхона мудири Равшан Абдукаримов томонидан сикланб чиққан кабоблардан ўн донасини тарозига қўямиз. Бор-йўи 500 грамм чики.

— Нега кам, 100 грамм етмапти-ку?

— Адашган бўлсам керак. Ҳа, Равшан Абдукаримов анойилардан эмас. Фойда билан зарарининг фарқини яхши билади. Бўлмаса ҳар бир сикдан кўркмасдан 10 граммдан уриб қолармиди. Бунақа адашши оқибатда шу кунгача қанча фуқароннинг ҳақиқа хўнаёт қилгани унинг ўзига аён.

Ҳар қадамда ҳўрандаларни алдаш фактлари мавжуд. Кабобпазлардан Ҳаёт Обидов, Иброҳим Каримов, Бахтиёр Нурмуҳамедовлар томонидан тайёрланган сиклардаги маҳсулот ҳам анча кам чикиди. Сифати ҳам яхши эмас. Харидорларни алдаш, уларнинг ҳақиқа хўнаёт қилиш, ҳам

энидан, ҳам бўйидан уриб қолиш ҳолларини наҳот ушбу идора бошлиғи Равшан Оқбўтаев билмаса?

Ғапнинг очиги, кейинги пайтларда ички ишлар бўлимига савдо тармоқлари томонидан кўплаб шикоят хатлари тушмоқда, бу бежиз эмас, албатта, Айниса, харидоригир молларни бекитиб қўйиш, хўфена йўллар билан ўз фойдасига ўзлаштириш ҳоллари кишиларнинг газабини кўзғатмоқда.

Хонага бир қиз кириб келди. Нимадандир қаттиқ хафа.

— Сизларнинг аэсифаларингизга нималар кирди, — ишончсизлик билан сўради у.

— Нима гап, сизни ким хафа қилди, — сўраймиз ундан.

ТЕМИР САНДИҚДАГИ ТИЛМА

— Уч оидан бери. «Лол» универмагига қатнаб, биттага узук оломайман. Наҳот келсам, сотувчи қиз китоб ўқиб ўтиради. «Ўқат «йўк» дейди. Ахтарган узугини Оққўргондан топиб келдим. У ердаги универмагда ишлайдиган Сурия исмли қиз ҳожа-тимни чиқарди. Нега уерда бор нарса бизда бўлмайди. Буни ким текширади? Е сизларнинг тишларингиз ўтмайди-ми?

Қизнинг кинояси бизга оғир ботди. Наҳот каршимизда ўтирган шу қиз ҳақ бўлса? Наҳот бир узук учун уч ойдан бери ишдан қолиб сарсон бўлиб юрса? Охир-оқибат қўшни ноҳиядан олиб келса. Балки универмагдаги китоб ўқиб ўтирадиган сотувчи қизда ҳам айб йўқдир, унақа узук бўкага келмагандир?

Афсуски, дастлабки текширув-даёқ бизнинг тахминларимиз нотўғри бўлиб чикиди. Харидор қиз ҳақ экан. Универмаг «Соғалар» бўлимининг темир сандиги кўздан кечирилганда 6404 сўмлик ўта камёб, харидорлар орасида катта талабга эга бўлган бриллиант қўзли тилла тақинчоқларни беркитиб қўйишганининг гувоҳи бўлди. Сотувчи Тожи Абдурахимова темир сандикдан чиққан патнисдаги тилла буюмларни «тушлик бўлгани учун олиб қўйганим» деб айтди. Тўғри, тушлик пайтида шундай қилиш керак. Аммо текширув ўтказилганда соат миллир-ни кундузги уч яримни кўрсатарди. Наҳот тайёр патнисдаги тилла тақинчоқларни биқинидаги қўргазмага қўйиш учун ярим соат вақт етмас-да? Елгон ҳам эви билан-да. Нега шундай? Балки бунга шаҳар матлубот жамиятидаги ўртоқлар жавоб беришар?

— Бир донга тилла зирак билан икки донга бриллиант қўзли тилла узукларини нега савдога қўйган бўлсангиз-да, сотмадингиз? Ахир бу камёб тақинчоқларни ахтариб юрганлар кўп-ку?

Сотувчи Тожи Абдурахимова иккилаб жавоб қайтарди:

— Тақинчоқлар жуда чиройли экан. Биронта танишимга сотаман деб ўйлагандим...

Ана сизга жавоб. Ана сизга савия, дунёқараш. Ана сизга ҳақиқат. Қўлларни кетмондан қаварган, эртадан кечгача меҳнатдан бўшамайди-ган оддий кетмончи қиз ноҳияме-ноҳия уч ойдан бери сарсон бўлиб юрса-ю, бу киши бор нарсани сотмай таниш-билишига асраб қўйсалар?! Бу пайтларда ушбу бўлим мудири Ёқутхон Иномхўжаева қаёққа қаради? Агар тилла тақинчоқлар тилга кирса эди, улар бу темир сандикда қанчадан бери ёруғ кунни кўрмай ётганини айтишарди.

Шаҳар матлубот жамиятига қарашли б-дўкон сотувчиси Эгам Эгамназаровнинг харидор ҳақидан 4 сўм 19 тишин уриб қолишини қандай изохлаб мумкин. Шу матлубот жамиятига қарашли маданий моллар дўкони сотувчиси Мухтор Орипов ҳам харидордан 1 сўм 10 тишин ошқича ҳақ олиб қолган.

Минг афсуслар бўлсинки, савдода энигина иш бошлаган ёш сотувчилар ҳам харидор ҳақидан уриб қолишда «намуна» кўрсатишмоқда. Аслида тиббий ходимлар гриппни юкумли касаллик дейишарди. Улар адашган чоғи. Савдодаги бу касаллик гриппни ҳам ярим йўлда қолдириб кетди. Бўлмаса ҳали ёш, соғлом сотувчиларга бунчалик тез ёпишиб олишининг босиси нима? Мавжуда Аширматова, Машкурэ Аҳмедова, Ширин Йўлчиевалар харидор ҳақидан уриб қолиш пайтида қўлга тушдилар. Ёш савдо ходимларининг бу қилмишларида албатта дўкон мудириларининг айби катта. Улар негадир ўзлари четда туришадди, гард юктиришмайди.

Ҳар қандай савдо дўкони аввал-лабор давлатникидир, халқникидир. Аммо айрим дўкон мудири-лари давлат дўконини ўзлариники қилиб олишгани кишини ажаблантиради. Улар давлат пулини ўзлаштириб юборганлар. Бунинг номи камомед. Нурсат Сандақбарова 4460 сўм, Хонзода Мамадова 4570 сўм, Хонум Аслонова 5460 сўм, Илҳон Давронов 307 сўм, Мухиддин Жабборов 485 сўм камомадга йўл қўйишган.

Кейинги ойлар мобайнида тамакни тақинчилиги ҳаммамизни ташвишга солапти. Бу муаммо ҳозирги кунда бутун Иттифоқимизда бор. Бундан айрим шахслар ўз манфаатлари йўлида текин даромад орттирмоқдалар, сиргетларни ошқича нархда сотмоқдалар. Ноҳиямизда яшовчи А. Мўминов савдогарчилик билан

шўғулланиб, турли сигаретларни ошқича нархда сотиб 109 сўм соф фойда қўрди. Текин пуллари энигина чўнтагига солаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Шунингдек Р. Абдулҳаева сигарета сотиб 100 сўм, Н. Рустамов эса гўшт сотиб 118 сўм соф фойда қўришаётганда ушландилар. Табиийки, уларнинг ҳар бири қонун олдида жавоб беради.

Ташкилотларда, ҳўжаликларда маош тарқатувчиларнинг зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Улар ҳар кун пул билан муомалада бўладилар. Шундай касб ходимлари орасида ҳам баъзи «ишбилармонлар» борлигини айтиб қўяйлик. «Октябрь 40 йиллиги» жамоа ҳўжалигининг пул тарқатувчиси Роза Абдураззоқова бу касбда биринчи кун ишлаши эмас. Маълум тажрибага эга. Айниса оқ-қоранинг фарига борадиган ёшда. Ҳаёлларига шайтон аралашдими, фуқароларга тегишли 1079 сўм пулни ўз фойдаларига ўзлаштириб юбордилар. Агар бу ишга милиция ходимлари аралашмаганлариди эди, опамизнинг режаси ҳамирдан қил суғургандек силлиқ чиқарди. Жамбул номли жамоа ҳўжалиги маош тарқатувчи Норбой Отабоев ҳам фуқароларнинг 361 сўм пулини ўз фойдасига ўзлаштириб юборди. Йигит кишига қирқ хўнар ҳам оз, деб шунга айтишса керак-да...

Энди ноҳиямиз теграсидаги чойхоналар ҳусусида икки оғиз гап: кўрпачалар эски, мой оқавериб алтиллаб кетган. Баъзан ўтиришга ҳижолат бўлсан киши. Дастурхонлар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Тозалик жойида эмас. Иккилаб доим гавжум бўладиган чойхоналаримизга қачон сон тегади? Ахир улар умумий овқатланиш идорасининг планини ҳаммаша бажариб келса. Бир пивла чой ичишга киришган чойхўрларнинг айби нима? Наҳот уларга тоза кўрпачаларда ўтириб чой ичиш нисбат етмайди?

Шу ўринда ноҳия матлубот жамиятининг раиси ўртоқ Ҳаким Давроновга шундай савол билан мурожаат этиш жоиз бўлур.

— Кун сизни газак отиб бораётган савдодаги бу камчиликлар қачон тугайди? Қачон халқ сизларнинг хизматингиздан хурсанд бўлади?..

Кенг жамоатчилик ҳаммаша милициянинг қаноти бўлиб келган. Шундай экан, ҳар қандай фуқарога бизнинг эшигимиз очик. Сизлар билан ҳаммаша мулоқотда, ҳамкорликда иш олиб боришга тайёрмиз. Агар сиз шайётган қишлоқларда, жамоа ҳўжаликларида харидор ҳақиқа хўнаёт қилиш, чойқоччилик, ташмачилик ҳоллари учраса, истаган вақтингизда бизга хабар қилинг. 35-418 ва 36-401 телефонлари сизнинг хизматингизда.

Айни пайтда ҳамма яхши нарсалар омманики бўлиши керак. Бунга эришиш эса сиз билан бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ.

Ғ. НУРМАТОВ,
Бўка ноҳияси ички ишлар бўлими БХСС хизмати бошлиғи, милиция капитани.

М. СОИПОВ,
журналист.

ҚОНУН КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ

АКС
САДО

15 сентябрь 1990 йил

МАҚОЛАНИ ўқидиму юрагим орқага тортиб кетди. Ахир шунчалик ҳам ваҳшийлик бўладими? Мен бу қиз ва йигитларнинг қилмишларини баҳолашга, ўзларини эса инсон деб аташга тилим бормаяпти. Отаси тенги одамни шунча азоблаб, қийнаб ўлдиршга журъат этган ваҳший қиёфасидаги одамларга нисбатан берилган жазодан сираям қонқамдим. 13—15

йил нима деган гап, уларни олий жазога ҳукм қилиш керак эди. Улар бир қилган ишни бошқа қайтармайдилар деб ҳеч ким айтолмаса керак. Бунинг устига қамоқда ҳали қанча «хўнар» орттириб чиқаркиндлар? Хуллас, судьялар нега бундай ҳукм чиқарганлар билмадим, мақолаши ўқиган ҳамкасбларим, таниш-билишлар ҳам ҳукмдан норозилар.

Муҳаббат МУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳри.

ШУНИНГДЕК, муҳарририятимизга А. Набихўжаев, А. Раҳматуллаев ва бошқа кўплаб муштарийлар мурожаат этиб, жиноятчиларга

кам жазо белгилангани ҳақида мулоҳазалар билдиришди. Шу муносабат билан биз Тошкент вилоят судининг аъзоси Ғанижон Хайруллаева мурожаат қилиб, Черьяев қотилларига нисбатан чиқарилган ҳукмини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Шу йилнинг 14 майдан 8 июнгача Тошкент вилоят судининг жиний ишлар бўйича судлов коллегияси айбланувчи О. А. Черьяков ва бошқалар (жами 6 киши)нинг жиний ишларни кўрди.

Суд ҳукми билан жиноятнинг ташкилотчиси О. Черьяков 15 йилга озодлидан маҳрум этилди, у шу муд-

датнинг 10 йилни қамоқда, қолган 5 йилни кучайтирилган режимидаги ахлоқ тузатиш колониясида ўтади.

Черьяковга жазо белгилашда СССР Олий судининг «Суд ҳукми ҳақида»ги қарорига мувофиқ унинг содир этган жиний жамоатчиликка хавфлилиги характери ва даражаси, шахси ва шароитлар ҳисобга олинди.

Суд коллегияси Черьяков ва бошқа айбланувчиларнинг биринчи марта судланиши, ижобий характеристикалар, Черьяковнинг онласа, гўдак боласи борлигини эътиборга олди.

Шунингдек суд коллегияси жазо белгилашда Черья-

ковнинг дастлабки тергов пайтида айбига тўла иқдор бўлгани ҳамда содир этган жинийликдан пушаймонлигини ҳисобга олиб, у жамият учун хавфли шахс эмас, деган ҳудосига келди.

Суд тажрибасидан шу нарсга маълумки, ўзини жазосиз илгари бир неча марта оғир жиний содир этган, икки ва ундан ортқ шахсларни қийнаб ўлдирган ўта хавфли жинийликларга нисбатан қўлла-нилади.

АКС
САДО



Доктор В. И. Ленин асос солган дорилфунунимиз 70 ёшда. Бу йиллар мазмунига раъс соладиган бўлсақ жумҳуриятимизнинг энг улкан энёнаси, ниҳоятда бой тарихимиз ҳолга эга эканлиги аққол кўзга ташланади. Биргина Ўзбекистонга эмас, Ўрта Осиёга ва Қозоғистонга ҳам кўплаб малкалик мутахассислар тайёрлаб берган тўғриги олийгоҳ босиб ўтган шонли йўл ҳақида биргина мақолада батафсил ҳикоя қилиш қийин. Лекин дорилфунунимиз ташкил этилишида муҳим роль ўйнаган «Фан» поезди, илмга ташна халқимизга фидойиларча ёрдамга келган рус олимлари, уларга эргашиб оёққа турган ерлик халқ вакилларидаги биринчи қалдирғочлари ҳақида тўхталмай бўлмайди.

Маълумки, 1918 йилнинг март ойида Тошкентда биринчи Туркистон халқ дорилфунунини ташкил этилди. Бу пайтда мамлакатимизда оғир куларин бошидан кечирар эди. Гражданлар уруши давомида эътиборан йилларда В. И. Ленин ўта муҳим бир ҳужжатга имзо чекиди. Яъни 1920 йилнинг 7 сентябрда имзоланган бу тарихий ҳужжат Туркистон Давлат дорилфунунини ташкил этиш ҳақидаги Декрет эди.

Албатта Ўрта Осиё ҳамма даврларда ҳам жаҳоннинг энг яқин маданият марказларидан бўлиб келган. Зеро, Шарқ билан Ғарбнинг боғланиши, Ўрта Осиёдан буюк ипак йўлининг ўтганлиги ўлканинг маданият юксалишида муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, халқимиз жуда ибратли азналар, бой маданият тарихига ҳам эга эдики, дунёга ўзининг Хоразмий Фарғоний, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Махтумқули каби буюк аллоҳлар билан машуру бўлган.

Шу ўринда албатта тарихий ҳақиқатни таъин олиш керак. Ўзининг Туркистон Давлат университетининг тарихини маданиятимиз тарихида катта во-

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

роқидиқиди, Ҳ. Сулаймонова, С. Азимов каби иқтидорли олимлар ҳам дорилфунунимизнинг илк қалдирғочларидир.

Ўтган йиллар давомида дорилфунунимиз бағридан ўтказган ортинқ олий ўқув юрлари ажралиб чиқди. Жумладан, Тошкент қишлоқ ҳўжалиги, Тошкент тиббиёт институтини, Тошкент политехника институтини, Тошкент халқ ҳўжалиги институтини, Самарқанд кооператив институтини, қардош Тожикистон ва Туркменистондаги бир қанча институтлар шу илк дорилфунун замирида ташкил топиб, шаклланишди ва мустақил илмгоҳга айланишди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўқув юртимизнинг кўплаб талаба ва ўқитувчилари қўлларидан қурол билан Ватанимизни душмандан ҳимоя қилдилар.

Айни кунларда Тошкент Давлат дорилфунунини мамлакатдаги энг яқин олий ўқув юртига айлانган. Ҳозир бу ерда 46 миллиат вакилларига ман-

Шу бондан ҳам Шарқ ва бошқа чет эл мамлакатларида ишлаётган дипломатлар, иқтисодчиларни тайёрлаш борасида ҳам режаларимиз катта. Ана шу мақсадда бу йил фалсафа-иқтисод ва шарқ куллийетларида ташқи иқтисодий алоқалар мутахассислари тайёрловчи гуруҳлар ташкил этилди. Бундай тадбирлар жумҳуриятимиз раънақи учун хизмат қилади, албатта.

Маълумки, жумҳуриятимизда ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига бир йилдан ошди. Бу муҳим ишга дорилфунун филология куллийети олимларининг кўшган ҳиссалари катта бўлди. Шунингдек рус мактабларида ўзбек тили ва ўзбек мактабларида рус тили ўқитувчилари тайёрлаш ишларига ҳам эътиборини кучайтирганмиз.

Шунингдек таъкидлаш лозимки, бизнинг энг биринчи галдаги вазифамиз малкалик мутахассислар тайёрлашининг янги, самарали усуллари қидириб топиб, уларни йўлга қўйишимиз даркор. Халқ ҳўжалигининг турли соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш ишининг эскирган усулларидадан воз кечмоқ керак. Чунки ҳозирги бизнинг талабаларимиз беш йил ўтгач фан, маориф ва халқ ҳўжалиги соҳаларида хизмат қиладилар. Зеро, бу давр мобайнида жамиятимизда жуда катта ўзгаришлар бўлиши табиий. Шу ўринда ўқув юртимизга кўпроқ талабалар қабул қилиниши ҳақида ҳам қайғурмоқдамиз. Ҳозирча эса олий ўқув юртига кириб ўқиниш ҳўловчилардан бешдан бир қисминга ана шундай бахтга, талаба деган шарафли номга сазовор бўлмоқдалар. Лекин бу сон натидадан қувиб, сифатини унатиш дегани эмас.

Ҳар бир миллият ўзигини англамас, тарихини чўқур, мукаммал билмас экан, бу миллиятнинг келажиги ҳам йўқ дедимиз. Зеро, кўп йиллар давомида йилларимизда йўқимиз Рус, Греция, Рим тарихларини ўрганишлар-у, ўз тарихларидан бозабар қолдирар. Шунинг учун ҳам биз бундан бўйи Ўзбекистон тарихини нафақат иқтисодий куллийетларда, балки дорилфунунимизнинг барча куллийетларида тўлиқ ўқитилишини йўлга қўйиш ниятдамыз. Бунинг учун эса энг аввало Ўзбекистон тарихини чўқур илмий асосда ёзишга ҳаранат қилмоқдамиз.

Шарқнинг муаззам дорилфунунини юбилей тарихимиздаги мураккаб даврларга тўғри келмоқда. Биз ҳам фахр, ҳам афсус билан ўтмишимизга назар солимоқдамиз. Лекин айни пайтда келажакка нишон ва дадил боқмоғимиз лозим. Зеро, ҳар биримиз кечаги ва бугунги кунимиздан қониқмай, тиймай жодий излансан-кина мақсадда эришмоғимиз лозим.

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз аста-секин мустақиллик томон йўл олмоқда. Бунинг учун эса бизга энг биринчи навбатда билимдон мутахассислар, етук дипломатлар керак.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Дорилфунун 4 миллион нусха китоб фондига эга бўлган асосий кутубхонага эга.

1990 йилда аспирантурада ўқитиларлар 270 кишидан иборат.

ТошДД маданият саройида 35 ҳаваскорлик жамоаси бор. Улар орасида «Ўзбекистон қизлари» балдин-ҳаваскорлик жамоаси 1990 йил Ленин комсомол мукофоти соҳибдори бўлди.

Дорилфунун жамоаси орасидан 14 вакил маҳаллий Советларнинг турли органларига, шу жумладан бир киши СССР халқ депутатлигига ва яна бир киши Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлигига сайланган.



Кина САДАДДИН (Афғонистон жумҳурияти) тарих куллийети 3-курс талабаси

Базан ўйлаб туриб фазр-лаиб кетаман. Ахир осон гап-ми, оддий бир афғон қизин Тошкентдек шаҳри азиямда қолверса Ўрта Осиёдаги энг кўнча ва кирик дорилфунунда ўқиш бахтига мушарраф бўл-са. Бунинг устига совимли илмгоҳимизнинг кўтүлү 70 йил-лик тўйи бизнинг талабалик йилларимизга тўғри келатган-лиги ҳам катта хурсандчилик. Кунин кеча барча дўстларимиз, курсдошларимиз билан бирга-ликда Улуғ Октябрьнинг 73 йил-лигини нишонлаган эдик. Ма-на, бугун эса қадрдон дорил-фунунимиз юбилейи тантаналар-ида иштирок этилмоқда.

Юқорида қадрдон дорил-фунун деб атадик. Бу бекиз эмас. Чунки мен бу ерда бил-лим олиш билан бирга бир қатор турли дўстлар ҳам ор-тирдим. Жумладан, ўзбек ду-гоналарим Зулфия ва Динора, айни кунларда Тошкент тўқ-мачилик илмгоҳининг 4-курс-ида ўқимокда. Биз бу ерда дўстларимиз даврасида кичи-роқ бўлса-да, тўй қилиб бер-дик. Менга ўзбек халқи, унинг меҳмондўстлиги, урф-одатла-ри жуда ёқди. Тўғри, биз-нинг талабалик йилларимиз мамлакатимизнинг мураккаб даврига тўғри келаяпти. Айни-қас, касбим тақозоси билан бу-ни мен ҳам яхши ҳис этаман. Лекин шунинг таъкидлашини ис-тот эдимки, қайта қуриш, ош-коралик матбуотда ўз аксини то-лмоқда. Яъни долзарб, да-дил фикрли чиқишлар кўпай-ган.

Менинг Совет Иттифоқи-га келганимга уч йилча бўлди. Яъни ўқиниш Москвадаги Халқлар дўстлиги дорилфуну-нининг риёзёти куллийетида бошлаган эдим. Лекин биз-нинг юртимиз анча иссиқ биз-ланглиги сабабли Москва иқ-лими саломатлигимга тўғри келмади. Шу боис тез-тез ка-сал бўлиб қолавердим.

Ўзбекистон сөрқувш ўлка деб эшитган эдим. Ниҳоят яқинда мен ўқинишми ана шу сөрқувш ўлка пойтахтидаги дорилфунунда давом эттириш бахтига сазовор бўлдим. Даст-лабки таассуротларим чанки эмас. Табиати каби ўзбекистон-ликларнинг ўзлари ҳам сакй, бағри кенг кишилар экан. Ме-ни жуда илиқ қутиб олишди. Бунинг устига дорилфунуним-из ўзининг 70 йиллик тўйи арафасида экан. Қисқаса, ҳам-маёқда байрам кайфияти, ху-рсандчилиги. Кайфиятим ҳам, соғлигим ҳам эъло.

Тошкент дорилфунунига Москва ва Ленинграддан фан поезди билан келган олимлар; дорилфунуннинг биринчи талабалари.

СЎЗ—ХОРИЖЛИК ТАЛАБАЛАРГА

Айни кунларда дорилфунуннинг мавжуд 16 та куллийетида 700 та яқин чет эллик талаба билим олмоқда. Байрам кунлари арафасида муҳбиримиз уларнинг баъ-зи бирлари билан ўқрашиб мулоқотда бўлди. Қуйида ана шу сўхбатларини эътиборингизга ҳавола этимиз.

Луандуанван ВУНЛЕУТ (Лос) журналистика куллийети-нинг 4-курс талабаси

Мана тўрт йилдирки, мен Тошкент Давлат дорилфунунини талабасиман. Яна бир йил ўт-ган Ўзбекистон, хусусан, до-рилфунун ҳақида энг яхши та-ассуротлар билан юртимга му-наб кетаман. Сабоби мен бу ерда ўзим севган ва қизиққан касб бўйича мутахассислигини эгаллапман. Шунингдек бу ерда оилалик ҳам бўлдим. Яъни турмуш ўртоғим Самая, айни кунларда Тошкент тўқ-мачилик илмгоҳининг 4-курс-ида ўқимокда. Биз бу ерда дўстларимиз даврасида кичи-роқ бўлса-да, тўй қилиб бер-дик. Менга ўзбек халқи, унинг меҳмондўстлиги, урф-одатла-ри жуда ёқди. Тўғри, биз-нинг талабалик йилларимиз мамлакатимизнинг мураккаб даврига тўғри келаяпти. Айни-қас, касбим тақозоси билан бу-ни мен ҳам яхши ҳис этаман. Лекин шунинг таъкидлашини ис-тот эдимки, қайта қуриш, ош-коралик матбуотда ўз аксини то-лмоқда. Яъни долзарб, да-дил фикрли чиқишлар кўпай-ган.

Гбеа МИШЕЛИН (Бенин) риёзёти куллийети 3-курс талабаси

Менинг Совет Иттифоқи-га келганимга уч йилча бўлди. Яъни ўқиниш Москвадаги Халқлар дўстлиги дорилфуну-нининг риёзёти куллийетида бошлаган эдим. Лекин биз-нинг юртимиз анча иссиқ биз-ланглиги сабабли Москва иқ-лими саломатлигимга тўғри келмади. Шу боис тез-тез ка-сал бўлиб қолавердим.

Ўзбекистон сөрқувш ўлка деб эшитган эдим. Ниҳоят яқинда мен ўқинишми ана шу сөрқувш ўлка пойтахтидаги дорилфунунда давом эттириш бахтига сазовор бўлдим. Даст-лабки таассуротларим чанки эмас. Табиати каби ўзбекистон-ликларнинг ўзлари ҳам сакй, бағри кенг кишилар экан. Ме-ни жуда илиқ қутиб олишди. Бунинг устига дорилфунуним-из ўзининг 70 йиллик тўйи арафасида экан. Қисқаса, ҳам-маёқда байрам кайфияти, ху-рсандчилиги. Кайфиятим ҳам, соғлигим ҳам эъло.

УЛАР БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИ

Туркистон Давлат дорилфуну-ни — Ўрта Осиё дўлат университетининг дастлабки битирувчилари — кейинчалик ийрик олим ва машуру алло-лар бўлиб танилган З. Уми-дова, М. Авезов, Ойбек, С. Сандисирова, Т. Н. Қори-Низ-зий, Т. Зоҳидовлар ҳақида рўзномамизда ҳикоя қилган эдик...

1921 йил май ойида Турки-стон Давлат дорилфунунининг табобат куллийети 12 кишидан иборат биринчи мутахассис-ларига ҳаётга йўллана берди. Улар орасида таниқли ши-фокор олимлар бўлиб етиш-ганлари ҳам бор... Ерли халқ вакили А. Досановага 1922 йилдаёқ шифокорлик дипломи топширилган эди. Бу ҳақда «Туркестанская правда» га-зетаси 1922 йил 17 декабрь сониде хабар қилган. 1927 йил-да САУнинг тиббиёт кул-лийети биринчи битирувчилари орасида Акбар Ақбаров ҳам бор эди. У 1943 йилда энди ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мух-бир аъзоси бўлди.

Носир Исмоили ҳам дорил-фунуннинг биринчи талаба-ларидан бўлган. У 1929 йилда тиббиёт куллийетини тугатиб 1947 йилда ЎзФАНнинг мухбир аъзоллигига сайланди.

Дорилфунуннинг иқтидорли битирувчи ёшлари шу илм-гоҳининг ўзиде ишга қолдир-лар эдилар. Масалан, 1930 йилда ўқув юрти муаллимла-ри орасида 28 киши ерли халқ муаллимлари бўлган. Улар жами муаллимлар таркибининг 6 фозини ташкил этишарди, холос.

Дорилфунун олимлари даст-лабки йиллардаёқ муҳим ил-мий ва амалий натижаларини кўлга киритдилар. Ҳамма мушаррийлар ҳам Тошкент — телевидение ватани эканлигини билвермасалар керак. И. Бе-лянский ва дорилфунун муал-лими Б. Грабовский ҳаракат-даги тасвири электрон нури ердаида бир жойдан маълум бир масофага узатадиган ва қабул қиладиган «радиотеле-фот» аппарати яратишди. Бу оддийгина «телевизор» — ойнаи жаҳон эди. Иштироилар 1928 йил 4 августда Тошкент жамоатчилигига унинг ишлаш жаъвенини кўрсатишди. Бу билан телевидениега асос со-линди.

Дорилфунуннинг талабалари орасидан кўплуб машуру ёзув-чилар, йирик олимлар ети-шиб чиқди. Ойбек, М. Авезов, А. Қаҳҳор, С. Азимов, П. Ко-диров, А. Мухтор, О. Екубов, Э. Воҳидов, А. Ориповлар шу

олий билимгоҳда таҳсил олган-лар. Йирик олимлар, акаде-микларимиздан Т. Н. Қори-Низ-зий, Т. Саримсоков, С. Си-роқиддинов, М. Салоҳидди-нов, Т. Жураев, Т. Рашидов, О. Содиков, Т. Зоҳидов, П. Ха-бибуллаевлар ҳам дорилфунун-да сабоқ олишган, ишлашган... Машуру кимёгар оили Обид Содиков 1937 йили САУнинг кимё куллийетини тугатган, у 34 ёшда ЎзФАНнинг академи-ги эди. 1958—66 йилларда до-рилфунун ректори бўлди, сўнг ўн саккиз йил мобайни-да ЎзФАНнинг президенти ла-возимига ишлади. Обид Со-диков фаннинг моҳир билимдо-ни, йирик давлат ва жамоат арбоби эди. Социалистик Ме-ҳнат Қаҳрамони О. Содиков СССР Фаннинг ўзбеклардан чиққан биринчи академиги. Обид Содиковдан бўлак ҳеч ким ҳозирча СССР ФАНнинг ҳақиқий аъзоллигига сайлана олмаган.

Бирин-кетин совет даври-нинг биринчи ўзбек олимла-ри пайдо бўла бошлашди. Нўмон Долломов Тошкент дорилфунунини аспирантураси-ни тугатиб, 1943 йилда гео-графия фанлари номзоди ил-мий даражасини олди, у биз-лардан чиққан биринчи географ олим.

Нўмон ака Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби эдилар.

М. МИРФОЗИЛОВ.

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ЖАҲОНГА ТАНИТМОҚДА

тациясини ҳимоя қилиб, ўз юртига қайтди.

Олийгоҳ АҚШнинг Снэтл шаҳридаги, Миср Араб Рес-публикасининг Айн-Шом, Иорданиянинг Омдон дорил-фунунлари билан, Югосла-вия, Болгария, Польша, Аф-ғонистондаги етакчи олий ўқув юрлари билан илмий ҳамкорлик тўғрисида шарт-номалар тузган. Мазкур илм даргоҳларининг талабалари, муаллимлари дорилфунунимизга тез-тез таъириб буюриб туришди. Айни пайтда биз-нинг 450 та яқин талаба ва 20 дан ортинқ ходимларимиз ҳоржий мамлакатларда таҳ-сил олишмоқда, ишлашмоқ-да.

Дастлабки ҳоржий аспи-рантлар Тошкент дорилфуну-нига 50-йилларнинг ўрталар-ида келишган эди. Чет мам-лакатлар билан илмий алоқа-ларнинг ривожланиши 1961

— 1962 ўқув йилида ҳоржий фукаролар учун дорилфунун-да тайёрлов куллийетининг очилишини таъминлади. Шу давр ичиде тайёрлов куллий-етини 5000 та яқин талаба ту-гатди. Улар асосан Осиё, Аф-рика ва Лотин Америкадан келган ёшлардир. Аввалги ўқув йилида эса тайёрлов куллийетида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 26 мамлакатидан келган 200 дан ортинқ талаба таҳсил олди. Тайёрлов куллийетининг асо-сий мақсади ҳоржий ёшлар-ни Иттифоқимизнинг олий ўқув юрлари, техникумла-рига ўқишга кириш учун тайёрлаш, уларга рус тилини ўргатиш, билимларини биз-нинг илмгоҳларимиз талаба-лари даражасида бўлишини таъминлашдан иборат.

Дорилфунунимиз муал-лимлари кўплуб халқро ан-жуманларга, маърузалар

Р. Ашуров, А. Норжоновлар Англияда 10 ойлик илмий малака оширишда бўлишди. фан номзодлари С. Ткачук, А. Жомираевлар Венгрияда 10 ой давомида малака ол-ган, самарали натижалар би-лан қайтишди.

Олимларимиз рисолатлари, илмий мақолалари чет эл-ларда таржима этилиб, чоп қилинган. отахон олимимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони академик Т. А. Сарим-соков ҳамда профессор Т. Азларовларнинг моногра-фиялари АҚШ ва ГФЖда инглиз тилига ўтирилиб, чоп этилди. Бир қанча олимлари-миз ҳоржий илмий жамият-лар аъзоллигига сайланганлар.

Илмий ҳамкорлик ўзининг смарали натижаларини бера-япти: унинг натижаларидан талабалар билан сўхбатлар-да, махсус курслар ўқишда, қўлланма ва монографиялар ёзишда, ўқув жаъвенини та-шкил этишда фойдаланилмоқ-да.

М. МИРЗААХМЕДОВ, Ҳ. РОЗАБОВА.



Дорилфунуннинг 70 йиллигига бағишлаб ўратилган ёдгорлик.

Суратчи Д. АХМАД.

Ҳофиз Кўйкий-Тошкандий таваллудининг 500 йиллиги

Ҳофиз ва саҳна




АТОҚЛИ олим ва давлат арбоби Улугбекнинг энг яқин шогирди ва сафдоши бўлган Али Қўшчи (1404—1474) ўз замонасининг Батлимуси, яъни Фтолемеян деб ном қозониб, доврлар таратган эди. Унинг тулки исми Аловиддин Али ибн Мирзо Мулло Муҳаммад ибн Мирзо Умаршайх ибн Амир Темур Кўрагоний бўлиб, авлодидан жуда кўп фозил кишилар етишиб чиққан. Чунончи, Ҳофиз Кўйкий (уни Ҳофиз Тошкандий деб ҳам юритишган) нисбати билан машҳур бўлган набираси шулар жумласидандир.

Султон Муҳаммад Ҳофиз Кўйкий-Тошкандий саккиз юз тўқсон олтинчи ҳижрий, ақраб ойи бошларида (1490 йил октябрнинг охири) Тошкент вилоятининг Паркент ноҳиясида зиёкор мавлоно Мирзо Камолддин оиласида таваллуд тогган бўлиб, кўпроқ тошкандлик Ҳофиз Кўйкий деб танилган. Олим бир қанча вақт Кўйликда ҳам яшаган, бинобарин тарихнинг зарвақларида мавлоно Кўйлийкий деб ёзилган жойлар ҳам учрайди. Тошкент шаҳрининг ҳозирги Собир Раҳимов ноҳиясидаги Ҳофиз Кўйкий номли маҳалла қадимдан шу улуг зотнинг номи билан аталиб келинган (ҳозирги Коммуна кўчаси). Ҳофиз Тошкандийнинг Паркентдан шу маҳаллага келиб туриб қолганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Кўйкий тахаллусини эса у ўзининг туғилиб ўсган Кўҳок қишлоғига нисбатан қўллаган бўлиши мумкин.

У истеъдодли муаррих, ҳуқуқшунос, мутаржим, шунингдек, жуғрофия, этнография, ҳандаса, риёзиёт, фалсафа ва адабиёт соҳаларининг ҳам улкан билимдон бўлган. Кўйкийнинг илмда равнақ топиб, камолот чўққисига чиқа бошлаган даври асосан Шайбонийхонлардан Хожа Убайдуллоҳон ва Абдуллоҳон II даврларига тўғри келади. Олим ўндан зиёд асарлар ёзиб қолдирган бў-

АЛИ ҚУШЧИНИНГ НАБИРАСИ



либ, шулардан «Рисолаи фи-фанний ат тавсир вал калом» («Эътиқодга оид илмлар ҳақида рисола») номли кўлезма китоби бигача етиб келган асарларидан биридир.

Араб, форс тилларини, адабиётини яхши билган бу аллома Шарқда ва Ғарбда кенг шухрат қозонган. У илмий ишлар билан биргаликда мудarris (ўқитувчи)лик ҳам қилган, саёхатларда бўлган. Масалан, Миср, Ироқ, Сурия, Яман, Саудия Арабистони, Афғонистон, Эрон, Туркия, Шарқий Туркистоннинг Қошғар, Хўтан, Еркент, Турфон, Ғулжа қа-

би қатор янрик шаҳарларида бўлиб, ўз билим доирасини янада кенгайтирган. Ҳожи Халифанинг «Сиял Усмо-ний» номли тарихий асарида айтилишича, у Ҳиндистонда икки марта бўлади. Хусусан, биринчи марта Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳаётлигида 1528 йили Самарқанд ҳукмдори Хожа Убайдуллоҳоннинг элчиси сифатида ташриф буюради. У Бобурнинг тантанали қабул маросимида қатнашганини, саройдаги расм-русумларни ҳамда Деҳли, Хайдаробод, Жайпур, Банорас, Калькутта, Бомбай, Қашмир ва бошқа жойларда кўрган-кечирганлари, маҳобатли қурилиш иншоотлари-ю, у

ларнинг тавобеи ҳофиз ва муллолар ултурдилар. Улуг ош тортилогондин кейин. Хожа Абдушшаҳид била Хожа Калонга ўрмак абрали киш жуббалар муносиб хилъатлар билан кийдурулди. Мулло Фарруҳ ва Ҳофиз бошлиқ била келганларга чамонлар кийдурулди... Хожа Мир султонга ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва мулло Фарруҳ бошлиқ Ҳожанинг мулозимларига ва ўзга элчиларга ҳам олтундин, кумушдин таркам била инъомлар бўлди», — деб ёзади.

Кўйкий 1569—1570 йиллари иккинчи марта Ҳиндистонга борганда Бобурнинг набираси Жалолддин Акбаршоҳ қабулида бўлишга мушарраф бўлади. Манбаларнинг шохидлик беришича, Акбаршоҳ Ҳофиз Тошкандийни бобоси Бобурни кўрган табаррук киши сифатида улуглаб, Деҳлидан бир қулиқ йўлга чиқиб, шодибна тантана билан қучоқ очиб кутиб олган. Ўшанда пойтахтда катта ўйин-томошалар, мушакбозликлар, саройда қабул маросимлари уюштирилиб, катта зиёфатлар ташкил этилган ҳамда олимга шоҳона пешкашлар (тортиқлар) қилинган экан.

Ҳофиз Кўйкий-Тошкандийнинг машҳур «Тарихи олий Чингиз» («Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи») асари мўғул ва ўзбек халқлари тарихига оид асардир. Бу асар манбаларнинг аниқ ва тўлалиги билан ўтмишдаги тарихчилар асарларидан бевосита ажралиб туради. Ушбу нодир китобни ёзишда у умрининг кўп қисmini мўғул ҳукмдорлари саройида ўтказган машҳур Эрон муаррихи — Баҳриддин Муҳаммад Хожа Аловиддин Отамалик ал-Жувайний (XIII аср)нинг «Тарихи жаҳонқуш» (Жувайний) «Жувайнийнинг жаҳонни фатҳ этган жаҳонгир ҳақидаги тарихи») номли форс тилида ёзилган асаридан кенг фойдаланган. Шунингдек, унинг адабиётшуносликка бағишланган «Истиорат тамсила» асари ҳам бизга тарихимиз ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Забардаст олим, тадқиқотчи, сайёҳ бўлган бу улуг инсон 1572 йили саксон уч ёшида Тошкентда вафот этган. Ўзбекистон ССЖи Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг унинг «Шарҳи одобул ал-мунозара» («Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара») китобига «шарҳ» китобининг араб тилида кўчирилган нусхаси ва араб тилида ёзилган «Фавоиди Зиёна» номли шарҳланган асари сақланмоқда.

Мазкур асарларни синчиқлаб ўрганиш ва айрим кишилар қўлида сақланиб қолган қўлезмаларни қидириб топиш тошкентлик бу йрик, забардаст олим ҳамда моҳир сиёсий арбобнинг ҳаёти ва фаолиятига доир янада тулқинроқ маълумот олиш имконини беради. Ўлкамиз фани тарихига шубҳасиз яна бир мазмундор саҳифа қўшилади. Аммо ҳозирда, Мирзо Улугбекнинг илму фандаги энг яқин маслакдоши бўлган улуг мунажжим аллома Али Қўшчининг Тошкентда яшаган набирасининг номини абадийлаштиришга ҳеч қандай эътибор берилмай келинаётганлиги, у яшаган ва қадимдан унинг табаррук номи билан юритилиб келинган маҳалла бугунги кунда нечундир унут бўлиб, бошқа ном билан атаётганлиги кишини гоёта ажаблантиради. Бу ҳақда жиддий фикр юритилса ва олимнинг азиз номи аввалгидай ўз жойида қарор топа ёмон бўлмасди. Зеро эртанги кунимиз тарихимиздан бошланганини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳабибулла
ЗАЙНИДИНОВ.

Суратда: олимнинг «Шарҳи одобул ал-мунозара» («Одоб ва ахлоқ тўғрисида мунозара») китобидан олинган фотонсха.

МУШОИРА-90



Дилмурод Саидов 1962 йилда туғилган. Низомий номли педагогика институтининг филология куллиети ва Тошкент Давлат дорилфунунинда форс тили мутахассислиги бўйича икки йиллик курсни тугатган.

1979 йилдан буён жумҳуриятимиз мажалла ва рўзномаларида, Ўзбекистон радиоси эшиттиришларида ўзининг шеърлари, мақолалари, форс-тожик классик адабиётидан таржималари билан мунтазам қатнашиб келади.

Ҳозир халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия қўмитасининг Атамалар комиссиясида раис ўринбосари бўлиб ишламоқда.

ҒАЗАЛ

(ҲУЗУЛИНГА ТАЗМИН)

Жунуликин ёзурда кўп аён — ошқора ёзмишлар,
Ҳама ушшоқа як бору банга ду бора ёзмишлар.

Фалак кори азалдин эди ёзмиш бир-бирига чўх,
Чоғиркам, хушёра эрса коса хуммора ёзмишлар.

Муҳаббат дардини ошиқ билан маъшўқага эрса,
Алар тақдирининг ҳужмин фақат ағёра ёзмишлар.

Азалдан шул эрур ёзмиш: гул юзини кўрур ҳамма,
Вале гуллар танини, ваҳ, насиб ул хора ёзмишлар.

Ҳамма ошиқ умидвордир, умидин барчага тенгу
Муҳаббатда висол завқини кичик миқдора ёзмишлар.

Умид эт Дилмурод етгунг ўшал дилдорга, ки кўрдум:
«Етур, деб, дил муродига!» — ўшал дилдора ёзмишлар.

ЁЗМИШ

«Мен ҳам меҳробларга сиғиниб, Сизни худодан тилашни энди бас қилай...»
М. МУХТОРОВА.

Меҳроблар билмади сиғинганимни,
Тангрига етмади оху зорларим.
Кўз ёшлар айланди қонга, ғамининг
Юва олмадилар тош ғуборларим...

УЧЛИКЛАР

Ҳаёт саҳнасида олчоқлар ҳам бор
Алдамоқ бўларлар ҳатто бир-бирини,
Энг кўп алданади лек томошабин...

Қайгулар қолади, армонлар қолар,
Поён топар ўқинч, ранж ила қадар —
Кириб боролмайди улар туپроққа...

Менинг кўзларимда ёш қолгани йўқ,
Юзларим қирлиниб кетди кўз ёшдан.

БИР КАМАНД

Соч эмас бу ўрганинг кўнгил қушимга бир каманд,
Чехрамас, бу кўрганим ақлу ҳушимга бир каманд.

Айтмагум жонона деб, деб «Ғузали» шеър битмагум,
Кечаю кундуз ўзинг унгу тушимга бир каманд.

Сўзласам сенсан — сўзим, ёдингсиз ўтмас бир нафас,
Сайд этиб, солдинг маним сўзу ишимга бир каманд.

Умр ўтгай, лек битмагай савдойи ҳол юрмакчилигим —
Боиси, солимиш пари ақлу ҳушимга бир каманд.

Дунё дунё бўлиб ошиқ аҳлига
Заррача саховат этганим ўзи?
Муҳаббат йўлиққан фалак қаҳрига
Шу бонс демишлар: «Ишқининг
кўр кўзи!»

Сиғинар бечора ошиқ бағри хун,
Тангрига ёлворар фироқ-азобда.
Ва ўша тангрининг ҳужми-ла бир кун
Чавақлаб кетарлар ўша меҳробда...

Меҳроблар билмади сиғинганимни...

Сен эса: «Кўз ёшлар бет ювгай!»
дейсан.

Гавҳармас энг баланд баҳо эгаси,
Хас эмас ҳўрланиб топталган қор бир
ОҚИБАТ — энг қиммат, ОҚИБАТ —
энг хор...

Бир оғиз сўз эди сўнгги нажотим,
Биргина ширин сўз эди таянчим
Сен оғизлик қилдинг уни топмоққа!..

САККИЗЛИК

Қора ранг мотамнинг белтиси эмиш,
Йўқ! Сира! Бу — ёлгон! Мен ҳеч инонмай.
Қон-қора кўзларинг, қон-қора қўшинг,
Қон-қора қониллар ҳақиқатга қасам:
Ушбу қаролардан гар бўлсам жудо,
Ушбу қароларнинг тарк этса санам,
Қувончу шодлигим бўлади адо
Бир умр оқ кийиб тутаман мотам!..
Дилмурод САИДОВ.



Душанба

19 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Физика. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Математика. 18.05 Янгилликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Ҳаёт ва иқтисод» жаридаси саҳифаларида. 18.50 Муслиқий кўрсатув. 19.30 «Ахборот». 19.50 Хужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Истеъдод. 21.30 «Время». 22.00 Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 Муслиқий кўрсатув. 20.05 Спирит. 20.20 Интерпроект фирмаси вакиллари билан учрашув. 21.00 Ватан посбонлари.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Бевосита телевизион мулоқот. 23.00 Фильм-концерт.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.35 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм 6-серия. 10.40 Футбол шарҳи. 11.10 Ҳайвонот оламиди. 12.40 Хужжатли фильм. 13.00 «Время». 13.40 Унутилмас тароналар. 16.15 Сермат хазинаси. 16.40 Илмий хабарнома. 17.45 Хужжатли фильм. 19.00 «Время». 19.40 Концерт. 20.15 Шергит лаҳзалари. 20.20 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 6-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Фильм-балет. 23.25 Муаллифлик телевидениеси. 00.40 ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Табиат сирлари. 9.35, 10.35 Адабиёт. 10.05 Италия тили. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 «Бурда модери» таклиф этади. 17.30 Мультфильмлар. 18.00 Оғир атлетика. 18.30 Акробатика бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. 19.00 «Время». 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.00 Хужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Оғир атлетика. 21.15 Танлов ҳақида хотиралар. 22.05 Хужжатли фильм. 22.25 Коллаж. 22.30 «Синган трест». Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

Сешанба

20 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Информатика ва ЭХМ. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Тасвирий санъат. 18.05 Янгилликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Узбек тилини ўрганамиз. 18.50 Осийшталик посбонлари. 19.30 «Ахборот». 20.00 Санъат олами. 20.30 «Ахборот». 20.50 Кўҳна созлар. 21.30 «Время». 22.00 Депутат минбари. 22.20 Зиё маскани.

УзТВ II

19.05 Давр билан ҳамнафас. 19.35 Менинг депутатим. Бадий фильм. 20.55 Эсдалик учун дастхат.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Менинг тақдирим. Телевизион бадий фильм. 1-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Бу бўлган... бўлганди. 9.25 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 7-серия. 10.50 Саҳнатчилар клуби. 11.50 Болалар соати. 12.50 Коллаж. 13.00 «Время». 16.15 Муслиқий хазина. 17.10 Мультфильм. 17.30 Фалсафий суҳбатлар. 18.15 Бор бўл, мусиқа. 19.00 «Время». 19.30 Мультфильм. 20.05 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 7-серия. 21.30 «Время». 22.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.15 Адабий-бадий программа. 00.15 ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Табиат сирлари. 9.35, 10.35 Жуғрофия. 10.05 Француз тили. 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Жуғрофия. 12.05 Онам, дадам ва мен. 13.05 Синган трест. Бадий фильм. 1-серия. 14.10 Ритмик гимнастика. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.20 Контракт. 18.55 Коллаж. 19.00 «Время». 19.30 Мультфильм. 19.45 Стол тениси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Бозор: у Германияда қанақа? 21.30 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.10 «Синган трест». Бадий фильм. 2-серия.

Чоршанба

21 НОЯБРЬ

УзТВ I

18.05 Янгилликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 Ҳукумат экран. 19.00 Ойнаванд пайкалар саховати. 19.30 «Ахборот». 19.50 Теленовелла. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Жаҳонгашта шоир. Фуркат.

УзТВ II

19.05 Сабаб ва оқибат. 19.40 Чорраҳа. 20.10 Интилиш.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Менинг тақдирим. Бадий фильм. 2-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.35 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 8-серия. 10.40 Адабий-бадий программа. 12.40 Концерт. 13.00 «Время». 13.50 Халқ қалби тирик экан. 14.20 Концерт. 16.15 Болалар учун фильм. Бенно билан содир бўлган воқеалар. 1-серия. 17.25 Концерт. 17.55 Болалар соати. 19.00 «Время». 19.30 Сифат ва бозор. 20.15 Ялта—91. 20.25 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 8-серия. 21.30 «Время». 22.05 Концерт. 00.20 ТЯХ.

MT II

9.15 Табиат сирлари. 9.35 10.35 Табиатунослик. 10.05 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Физика. 12.05 «Русская речь». 13.05 Синган трест. Бадий фильм. 2-серия. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.55 Фестиваллар, танловлар, концертлар. 19.00 «Время». 19.30 Мультфильм. 19.40 Телевизион музикали фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 22.05 СССР Олий Кенгаши сессиясида. 00.05 Синган трест. Бадий фильм. 3-серия. 01.10 Хоккей. МАСК — «Динамо» (Рига).

Пайшанба

22 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида. 18.05 Янгилликлар. 18.10 Ешлик оқшом. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 «Ахборот». 19.45 Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.00 Муваззат. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дилрабо концерт. 21.30 «Время». 22.00 Оила сирлари. Бадий фильм.

УзТВ II

19.05 Обуна—91. 20.05 Сеп-сиз қиз. Бадий фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 «Базмор». 22.40 Менинг тақдирим. Бадий фильм. 3-серия.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 10.40 Дўстлик меридианлари. 11.40 Болалар соати. 12.40 Концерт. 13.00 «Время». 13.40 Хоккей. МАСК — «Динамо» (Рига). 16.15 Болалар учун фильм. Бенно билан содир бўлган воқеалар. 17.15 Тўфонлар пайти. 18.15 Мовий Дунай—90. 19.00 «Время». 19.30 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Хужжатли фильм. 20.25 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 9-серия. 21.30 «Время». 22.00 Севги ва айрилиқ. 22.45 Степан Эрьзанинг уч орзуси. 23.20 ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15, 10.25 Табиат сирлари. 9.35, 10.45 Табиатунослик. 9.55 Испан тили. 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.00 Илмий-оммабоп фильм. 13.00 «Синган трест». Бадий фильм. 3-серия. 14.05 Ритмик гимнастика. 17.30 Қорабайр изидан. Бадий фильм. 18.45 Халқ куйлари. 19.00 «Время». 19.30 Концерт. 19.45 Коллаж. 19.50 Долзарб интервью. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 21.15 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 21.45 С. Беликов куйлайди. 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 24.00 Хоккей. «Крылья Советов» — «Сокол».

Жума

23 НОЯБРЬ

УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ботаника. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Узбек мактаблари учун рус адабиёти. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгилликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Улистон» — муштарийларига. 19.00 «Халқаро ҳаёт». 19.30 «Ахборот». 19.50 «Наврўз — 90». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Навоийхонлик». 21.30 «Время». 22.00 «Нафосат». 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 22.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время». 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Бадий фильм.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 «Бор бўл, мусиқа!». 9.50 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 10-серия. 10.55 «Босқичлар». 12.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Время». 16.30 «Агар сиз...» 17.15 Концерт. 18.05 Болалар учун бадий фильм. 18.30 Долзарб интервью. 18.40 ССЖИ Олий Кенгашида. 19.25 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадий фильм. 10-серия. 20.30 «В и Д» таништиради. 21.30 «Время». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Коллаж. 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.30 «Бу бўлган... бўлганди...». 22.55 «В и Д» таништиради. Танаффус пайтида (00.35) — ТЯХ.

MT II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 9.15 Илмий-оммабоп альманах. 9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шугулланётганлар учун 11.05 Инглиз тили. 2-йил шугулланётганлар учун. 11.35, 12.35 Жуғрофия. 6-синф. 12.05 Хужжатли фильм. 17.30 Мультфильм. 1-серия. 17.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 19.30 Концерт. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 «Бозор: у Германияда қандай?». «Биз ва иқтисодий» туркумидан. 2-кўрсатув. 21.30 Спорт ҳамма учун. 21.45 Фильм-балет 22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.10 Телевизион бадий фильм.

Шанба

24 НОЯБРЬ

УзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 Оила. 10.10 Камолот сари. Бадий фильм. 11.30 Инсон ва табиат. 12.10 Мақсуд Шайхзода. Жалолиддин Мангуберди. Телеспектакль. 1-қисм. 13.15 Ўзбекистон спорти. 13.45 Концерт. 18.05 Мультфильм. 18.20 Қувноқ учрашувлар. 19.00 Узбек тилини ўрганамиз. 19.30 «Ахборот». 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 Мақом кечаси. 20.30 «Ҳафтаномалар». 21.30 «Время». 22.00 Президентлик кенгаши аъзоси Эркин Самандаров билан суҳбат. 22.30 Севги афсонаси. Бадий фильм. 1-серия.

УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 «Савту калом». 9.55 Тележурнал. 10.35 Фильм-концерт. 11.40 Менга турмушга чиқинг. Бадий фильм. 17.55 Мультфильм. 18.15 Болаларга мусиқа ҳақида. 19.00 «Новост». 19.20 Тарих ҳақиқати — ҳаёт ҳақиқати. 19.40 Теленовелла. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Дўстлик экран. 23.00 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари. Шоирнинг тақдири.

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.20 Онам, дадам ва мен. 9.50 Йил фасллари. 10.50 Партнёр. 11.20 Хужжатли фильм. 12.20 «Бурда модери» таклиф этади. 12.50 Ғолиблар. 13.50 Оила экрани. Ажабтовур катталар. Бадий фильм. 15.25 Кинопрограмма. 16.55 Севги унутмаганлар ҳақида. 18.30 Халқаро пәнорама. 19.15 Тамара Вольская чақоли. 19.25 ССЖИ ҳукуматиди. 19.30 Мультфильм. 20.20 Режиссёр И. Селезнёва фильмлари. Кузги воқеа. 1-серия. 21.30 «Время». 22.00 Кузги воқеа. Бадий фильм. 2-серия. 23.20 Парламент хабарномаси. 23.35 ТЯХ. 23.50 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 01.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

MT II

8.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.45 Рус тили. 9.15 Хужжатли фильм. 9.30 Чорбоғда ва унинг атрофида. Бадий фильм. 11.00 Хужжатли фильм. 11.20 Концерт. 11.30 Хужжатли фильм. 12.00 Ҳандўстлик видеоканал. 20.00 «Время». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 «Пил» белгиси билан. 22.30 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 00.30 Коллаж. 00.35 Муслиқий видеоканал. 02.35 Ҳар доим ҳам омад келавормайди. Телевизион бадий фильм.

Якшанба

25 НОЯБРЬ

УзТВ I

8.00 «Ҳафтаномалар». 9.00 Даврага кел, дугонажон. 10.50 Траваннинг саргузаштлари. Бадий фильм. 11.55 Қувноқ стартлар. 12.45 Мақсуд Шайхзода. Жалолиддин Мангуберди. Телеспектакль. 2-қисм. 13.45 Алифбо сабоқлари. 14.20 Саҳна табасмуси. 18.05 Мультфильм. 18.20 «Кичкинтой» программаси. 18.50 Сихат-саломатлик. 19.30 «Ахборот». 19.45 Санъат усталари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Якшанба оқшомиди. 21.30 «Время». 22.00 Нодира газаллари билан айтиладиган кўшиқлар. 23.00 Севги афсонаси. Бадий фильм.

УзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ: 9.00 «Сепеда». 10.05 Рекламалар. 10.15 Қувноқ спорт уйинлари. 11.25 Айбисалик презумцияси. Кинокомедия. 12.50 Фильм-концертлар. 17.15 Шоирнинг тақдири. Бадий фильм. 19.00 Концерт. 20.00 «Ҳафтаномалар». 20.30 Концерт. 21.30 «Время». 22.45 Айбисалик презумцияси. Кинокомедия. 00.10 Телетомошабин ҳамроҳи.

MT I

8.35 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлотот». 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматиди. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 «Здоровье». 13.25 Кинопрограмма. 15.15 Эстрада концерти. 15.50 Қишлоқ янгилликлари. 17.05 Янгра, гармон. 17.20 Педагогика ҳамма учун. 19.20 Хужжатли фильм. 19.30 Мультфильм. 19.55 «Муссофир». Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Оддий ва мангулик ҳақида. 22.10 П. И. Чайковский. Юзта романс. 22.35 Фильм-концерт. 23.25 Владимир Пресняков томошалари.

MT II

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Концерт. 9.05 Биз яшаётган олам. 10.05 Циркни ҳамма севади. 10.50 Дастурхон йиғилмасдан. Бадий фильм. 1-серия. 13.00 Тафтиш. Спектакль. 15.00 Замандас. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Хужжатли фильм. 19.10 Коллаж. 19.15 Халқ ижодиёти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 «Время». 23.00 Экран усталари. М. Комаровская. «Девор ортида». Бадий фильм.



